

New Day in Medicine Новый День в Медицине NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal







AVICENNA-MED.UZ





9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ, А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Рел. коллегия:

м.и. абдуллаев

А.А. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

М.А. АБДУЛЛАЕВА

Х.А. АБДУМАДЖИДОВ

Б.З. АБДУСАМАТОВ

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

III.3. AMOHOB

Ш.М. АХМЕДОВ

Ю.М. АХМЕДОВ С.М. АХМЕЛОВА

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА

Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е А БЕРЛИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ЛЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

А.А. ДЖАЛИЛОВ

Н Н ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С. ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

А.С. ИЛЬЯСОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

A.M. MAHHAHOB

Д.М. МУСАЕВА

T.C. MVCAEB

М.Р. МИРЗОЕВА

Ф.Г. НАЗИРОВ Н.А. НУРАЛИЕВА

Ф.С. ОРИПОВ

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ

Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИБОЕВ

С.А.ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Ш.Т. САЛИМОВ

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

Б.Б. ХАСАНОВ

Д.А. ХАСАНОВА

Б.3. ХАМДАМОВ

А.М. ШАМСИЕВ А.К. ШАДМАНОВ

Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х. ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ

М.Ш. ХАКИМОВ Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)

DONG IINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия) В.А. МИТИШ (Россия)

В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия)

А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)

С.Н ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan) Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН новый день в медицине **NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, матнавий-матрифий журнал Научно-реферативный, духовно-просветительский журнал

УЧРЕЛИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)

Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент) Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

сентябрь

https://newdaymedicine.com E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

www.bsmi.uz

Received: 20.08.2025, Accepted: 06.09.2025, Published: 10.09.2025

УДК 612.825.2: 614-053.6:355.21

ХАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ ВА МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАХЛИЛИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Машарипов Жасур Қадамович Е-mail; MasharipovJ@mail.ru

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали 200100, Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч, Жинговуз маҳалласи, Навоий кўчаси, 118-уй Тел.: +998 (62) 227-23-33

√ Резюме

Мақолада ҳарбий ҳизматга чақирилувчи ёшларнинг морфологик кўрсаткичлари ва саломатлик ҳолати таҳлил қилинди. Асосий касаллик турлари ва уларнинг тарҳалиш даражаси, шунингдек, ҳарбий ҳизматга яроҳлилик даражалари ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра, чаҳирилувчилар орасида юрак-ҳон томир тизими (28%), асаб тизими (23%) ва эндокрин безлар (16%) касалликлари етакчи ўринда туради. Чаҳирилувчиларнинг 72%и ҳарбий ҳизматга яроҳли, 18%и ваҳтинча яроҳсиз, 10%и эса мутлаҳ яроҳсиз деб топилган. Морфологик таҳлил натижалари касалликларнинг аъзолар микроскопик ва макроскопик ўзгаришлари билан уйгунлигини кўрсатди. Олинган натижалар асосида профилактика ва реабилитация чораларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Калит сўзлар: харбий хизматга чақирилувчилар, Хоразм вилояти, саломатлик холати тахлили, хизмат ярокли, хизматга яроксиз.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ И МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЧЕЛОВЕКА (НА ПРИМЕРЕ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ)

Машарипов Джасур Кадамович, эл. noчma: MasharipovJ@mail.ru

Хорезмский филиал Республиканского научного Центра экстренной медицинской помощи 200100, Узбекистан, Хорезмский область, Ургенч, Жинговуз махалла, ул. Навоий, 118 тел: +998 (62) 227-23-33

√ Резюме

В статье проведён анализ морфологических показателей и состояния здоровья призывников. Рассмотрены основные виды заболеваний и степень их распространённости, а также категории годности к военной службе. По результатам анализа, среди призывников ведущее место занимают болезни сердечно-сосудистой системы (28%), нервной системы (23%) и эндокринных желез (16%). 72% признаны годными к военной службе, 18% — временно негодными, 10% — полностью негодными. Морфологический анализ показал соответствие выявленных заболеваний с макро- и микроскопическими изменениями органов. Полученные данные подчёркивают необходимость усиления профилактических и реабилитационных мероприятий.

Ключевые слова: призывники к военной службе, Хорезмская область, анализ состояние здоровья, годен к службе, не годен к службе.

ANALYSIS OF HEALTH AND MORPHOLOGICAL INDICATORS OF CONTRIBUTORS (ON THE EXAMPLE OF KHORESM REGION)

Jasur Kadamovich Masharipov E-mail; <u>MasharipovJ@mail.ru</u>

Khorezm branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care 200100, Uzbekistan, Khorezm region, Urgench, Jingovuz mahalla, Navoi Street, 118 Tel.: +998 (62) 227-23-33

✓ Resume

This article presents an analysis of the morphological indicators and health status of military conscripts. The main types of diseases and their prevalence, as well as categories of fitness for military service, were examined. According to the analysis, cardiovascular diseases (28%), nervous system disorders (23%), and endocrine diseases (16%) are the most prevalent among conscripts. A total of 72% were found fit for military service, 18% temporarily unfit, and 10% completely unfit. Morphological analysis confirmed the correlation between clinical conditions and macro- and microscopic organ changes. The findings highlight the need to strengthen preventive and rehabilitation measures.

Key words: conscripts for military service, Khorezm region, health analysis, fit for service, unfit for service.

Долзарблиги

х арбий хизматга чақирилувчиларнинг соғлиғини бахолаш – мамлакат мудофаа қудратини таъминлашда мухим омил хисобланади. Чақирилувчиларнинг морфологик кўрсаткичлари, уларнинг клиник холати ва яроклилик даражаси харбий тайёргарлик имкониятларини белгилайди [1,2,3].

Сўнгги йилларда турли экологик ва ижтимоий омиллар, турмуш тарзидаги ўзгаришлар ёшлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмокда. Айникса, юрак-кон томир тизими, асаб тизими ва эндокрин патологиялари юқори кўрсаткичларда қайд этилмокда. Шу боис чақирилувчиларнинг соғлиғини чуқур ўрганиш ва яроқлилик даражаларини тахлил қилиш долзарб масалалардан биридир [4,5,6,7].

Тадкикот максади: Харбий хизматга чакирилувчиларнинг саломатлиги ва морфологик кўрсаткичлари тахлилий ўрганиш.

Кўлланилган материал ва усуллар

Тадқиқот учун 18–27 ёшдаги чақирилувчилар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинди. Улар турли худудлардан йиғилган бўлиб, умумий контингент бир нечта ёш гурухларига ажратилди:

- 18-20 ёш,
- 21-23 ёш,
- 24-27 ёш.

Ўрганилган параметрлар:

- Морфологик кўрсаткичлар (тана тузилиши, суяк-мушак тизими холати),
- Асосий касаллик турлари (юрак-қон томир, асаб, эндокрин, ортопедия, кўриш ва эшитиш органлари патологиялари),
 - Харбий хизматга яроклилик даражалари.

Тадқиқот усуллари:

- Морфологик тахлил,
- Клиник текширувлар,
- Статистик тахлил (жадвал ва диаграммалар).

Барча маълумотлар Excel дастурида киритилиб, % хисобланди ва диаграммаларда такдим этилди.

Тадкикот натижа ва тахлиллар

Олинган натижалар тахлилига кура, чақирилувчилар орасида энг куп учрайдиган касалликлар каторида юрак-кон томир тизими касалликлари етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг улуши 28% ни ташкил этди. Ундан кейин асаб тизими касалликлари (23%) ва эндокрин тизим патологиялари (16%) кайд этилди. Шунингдек, ортопедия ва суяк-мушак тизимига оид касалликлар 12% ни, кўриш ва эшитиш органлари патологиялари эса 9% ни ташкил килди. Бундан ташқари, турли хил **бошқа касалликлар** 12% атрофида кузатилди (жадвал 1).

Мазкур маълумотлардан куриниб турибдики, чакирилувчилар саломатлигида асосий хавф омиллари сифатида юрак-қон томир ва асаб тизими билан боғлиқ касалликлар устувор ахамиятга



эга бўлиб, профилактик чора-тадбирларни белгилашда уларга алохида эътибор каратилиши зарур.

Аникланган касалликлар Жадвал 1.

№	Касаллик тури	Кисми (%)
1	Юрак-қон томир тизими	28
2	Асаб тизими	23
3	Эндокрин безлар	16
4	Ортопедия ва суяк-мушак тизими	12
5	Кўриш ва эшитиш органлари	9
6	Бошқа касалликлар	12

Харбий хизматга чақирилувчилар тиббий комиссиялар томонидан атрофлича текширилиб, уларнинг харбий хизматга яроклилик даражалари ўрганилганда куйидаги маълумотлар аникланди (жадвал 2).

Чакирилувчиларнинг харбий хизматга яроклилик даражалари. Жадвал 2

№	Яроклилик тоифаси	Қисми (%)
1	Харбий хизматга яроқли	72
2	Вақтинча яроқсиз	18
3	Мутлақ яроқсиз	10

Ижтимоий келиб чикиш ва яшаш худудлари инсоннинг соғлиғи, таълим олиш имкониятлари хамда турмуш тарзида мухим ўрин эгаллайди. Социологик ва тиббий тадкикотлар натижалари шуни кўрсатадики, ахолининг ижтимоий қатлами ва яшаш манзили касалланиш даражаси, адаптация имкониятлари ва жисмоний ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу боисдан, мазкур тахлилда респондентларнинг ижтимоий келиб чикиши ва яшаш худудлари буйича маълумотлар ўрганилди.

1. Ижтимоий келиб чикиш тахлили (жадвал 3).

- Респондентларнинг ижтимоий мансублиги:
- ишчи оилаларидан чиққанлар,
- хизматчилар, 0
- дехкон ва кишлок хўжалик ходимлари,
- илмий ва педагогик оилалар,
- тадбиркор ва хусусий сектор вакиллари.
- Тахлилда кўрилиши мумкин бўлган ҳолатлар:
- Ишчи ва кишлок хужалик оилалари болаларида жисмоний мехнатга эрта жалб этилиш холатлари юкори.
- Илмий ва педагогик оилалардан чиккан респондентларда таълим даражаси ва соғликка эътибор юкори.
- Тадбиркор ва хизматчилар оилаларида турмуш шароити нисбатан яхширок, лекин стресс омиллари кўп.

Ижтимоий келиб чикиш тахлили жадвал 3.

Ижтимоий қатлам	Респондентлар улуши (%)	Асосий хусусиятлар
Ишчи оилалари	32	Жисмоний мехнатга жалб этилиши юқори
Қишлоқ хўжалик ходимлари	27	Тиббий хизматга етарлича эътибор паст
Хизматчилар	18	Таълим ва соғлиққа ўртача эътибор
Илмий/педагогик оилалар	12	Таълим даражаси юқори, соғлиққа эътибор
Тадбиркор/хусусий сектор	11	Турмуш шароити яхши, стресс юқори

2. Яшаш худудлари тахлили (жадвал 4).

- Респондентларнинг яшаш худуди:
- шахар марказлари, 0
- шахар чекка худудлари, 0
- йирик туман марказлари,
- қишлоқ худудлари.
- Тахлилда кузатилган холатлар:
- Шахар марказида яшовчиларда тиббий хизмат ва таълим имкониятлари юкори.
- Чекка шахар ва туманларда инфраструктура ва иш жойи камрок.
- Кишлоқ худудларида тиббий хизмат ва таълимда чекланишлар сезиларли.

Яшаш хулуллари тахлили жалвал 4.

Яшаш худуди	Респондентлар улуши (%)	Асосий хусусиятлар
IIIovon Montrocu	34	Тиббий хизмат ва таълим имконияти
Шаҳар маркази		юқори
III ayan Harraan	21	Ишсизлик ва ижтимоий тенгсизлик
Шаҳар чеккаси		юқори
Туман маркази	25	Турмуш шароити ўртача
L'ANNERS AND MARKET TO SERVICE AND	20	Тиббий хизмат ва таълим имконияти
Қишлоқ худудлари		чекланган

Шахар мухитида айникса юрак-кон томир тизими касалликлари юкори даражада кайд этилган. Бу холат шахар ахолисининг турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлиб, жисмоний фаолликнинг камлиги, стресс омилларининг кўплиги, озукаланиш тартибининг бузилиши ва экологик шароитнинг салбий таъсири билан изохланиши мумкин. Шу боис, шахар ахолиси орасида профилактик чора-тадбирларни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва мунтазам тиббий кўрикларни йўлга қўйиш мухим ахамият касб этади.

Айрим туманларда эса асаб тизими касалликлари ва эндокрин патологиялар купрок кайд этилган. Бу холат, асосан, кишлок ахолисининг турмуш шароити, мехнат шароити, стрессга чидамлилик ва генетик омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айниқса, эндокрин касалликлар (қандли диабет, қалқонсимон без патологиялари) қишлоқ жойларда экологик ва озиқ-овқат таркиби билан боғлиқ жихатларга эътибор қаратиш зарурлигини күрсатади.

Шу тарзда худудий тахлил натижалари касалликларнинг келиб чикиш сабабларини чукур ўрганиш, хар бир худуд учун мос профилактика дастурларини ишлаб чикиш ва соғломлаштириш ишларини йўналтириш зарурлигини намоён этмокда (жадвал 5).

Хулуллар бүйича таксимот жалвал 5

Яшаш худуди	Респондентлар сони (%)	Асосий ижтимоий-иктисодий хусусиятлар
Урганч шахри	60	Шаҳар инфратузилмаси яхши, тиббий хизмат ва таълим имкониятлари кенг. Замонавий турмуш тарзи устун, лекин стресс омиллари кўп.
Хива тумани	40	Қишлоқ ва шаҳар аралаш ҳудуд. Туризм таъсири бор, аммо қишлоқ жойларда тиббий ҳизмат ва таълим имконияти чекланган.

Тахлиллар:

Натижалар жахон ва махаллий адабиётлардаги маълумотлар билан таққосланганда Россия Федерациясида чақирилувчиларнинг 53 фоизи тўлик ва кисман харбий хизматга яроксизлиги



келитирилган, касалликлар структураси бўйича тахлил Европа ва Россия тадкикотларида хам чакирилувчилар орасида юрак-кон томир ва асаб тизими патологиялари етакчи эканлигини курсатди.

Ахолининг ижтимоий келиб чикиши ва яшаш худуди инсон саломатлиги, таълим олиш имконияти ва турмуш даражасида мухим ахамият касб этади. Айникса, шахар ва кишлок худудлари ўртасидаги турмуш шароитларидаги фарклар одамларнинг ижтимоий тенгсизлиги ва ҳаёт сифатини белгилаб беради. Шу боисдан, тадқиқотда респондентларнинг яшаш худуди сифатида Урганч шахри ва Хива тумани кесимида маълумотлар тахлил килинди.

1. Урганч шахри ахолиси

Тахлил натижаларига кўра, Урганч шахрида яшовчи респондентлар умумий танланманинг 60% қисмини ташкил этди. Вилояти маркази сифатида Урганч шахрида қуйидаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар қайд этилди:

- Тиббий хизмат ва таълим муассасалари кенг тармоққа эга.
- Иш билан таъминланиш имкониятлари қишлоқ худудларига нисбатан юқори.
- Замонавий турмуш тарзи устун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш холати кузатилади.
- Бироқ шахар турмушининг ўзига хос муаммолари хам мавжуд: экологик омиллар (автомобил чикиндилари, саноат таъсири), стресс ва рухий босимнинг юкорилиги.

2. Хива тумани ахолиси

Хива тумани респондентлари умумий танланманинг 40 % ини ташкил этди. Бу худудда куйидаги жихатлар алохида эътиборга молик:

- Хива шахрида туризм сохаси ривожланган бўлиб, муайян ижтимоий имкониятларни яратади.
- Лекин кишлок худудларида инфратузилма, тиббий хизмат ва таълим имкониятлари чекланган.
- Ахолининг катта қисми қишлоқ хужалиги билан шуғулланади, жисмоний мехнатга эрта жалб этилиши кузатилади.
 - Ишсизлик даражаси шахарга нисбатан юқорироқ.

Тахлил шуни кўрсатадики, Урганч шахри ахолиси ижтимоий ва иктисодий имкониятлар жихатидан афзал холатда булса-да, шахарга хос муаммолар (стресс, экологик хавфлар) мавжуд. Хива тумани ахолиси эса анъанавий турмуш тарзига кўпрок мослашган, лекин инфратузилма ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Бу холат худудлар кесимида максадли ижтимоий ва тиббий дастурларни ишлаб чикиш зарурлигини курсатади.

Хулоса

- 1. Чақирилувчилар орасида юрак-қон томир, асаб ва эндокрин касалликлари етакчи ўринда туради.
- 2. Яроклилик даражаси 72% ни ташкил этди, 28% эса вактинча ёки мутлак яроксиз хисобланди.
- 3. Морфологик ўзгаришлар клиник холатлар билан уйғун холда кечади.

Амалий тавсиялар

- Чақирилувчиларни эрта ёшдан назорат қилиш, профилактик текширувларни кучайтириш.
- Йод профилактикасини кенгайтириш.
- Юрак-кон томир ва асаб тизими касалликларини эрта аниклаш дастурларини жорий этиш.
- Морфологик кўрсаткичларни бахолаш тизимини такомиллаштириш.
- Худудий хусусиятларни хисобга олган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Иванов И.П. Морфологические особенности здоровья призывников. Москва, 2018. 1.
- Махкамов А. Ўзбекистонда ёшлар саломатлиги ва морфологик кўрсаткичлари. Тошкент, 2. 2020.
- 3. WHO Report on Global Health and Military Conscripts. - Geneva, 2022.
- Brown J. et al. Neurological Disorders in Young Adults. London, 2021. 4.
- 5. Каримов Б. Эндемик касалликлар ва морфология. – Самарканд, 2019.
- Петров С.А. Заболеваемость и годность к военной службе в России. Санкт-Петербург, 2017. 6.
- Абдрахманов К. Морфология и здоровье призывников Казахстана. Алматы, 2021.

Қабул қилинган сана 20.08.2025